

Юртимизда Янги йил байрами тадбирлари анъанага кўра, мактаб ўқувчиларининг қишки таътилига улашиб кетади. Шу боисдан жойларда ташкил этиладиган Янги йил арчаси, Қорбобо ва Қорқизнинг театрлаштирилган томошалари, Қорбобо совғалари болалар қувончини оширомоқда.

Завққа тўла янги йил томошалари

болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда



чиқиб болаларни Янги йил билан табриклайди, кейин уларни сахнага чорлаб, интерактив уйинлар ўтказишади.

Бундан ташқари қишки таътил кунлари режиссёри-миз Шухрат Ибрагимов томонидан ака-ука Гриммлар эртаги асосида сахналаштирилган «Оппофойм ва унинг дўстлари» спектаклини ҳам болажонларимизга намойиш қилиш режалаштирилмоқда.

— Бизда Янги йил тадбирлари 24 декабрдан бошланган, — дейди Республика ёш томошабинлар театри бўлими бошлиғи Наргис Мақсимова. — Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили завқли ва мароқли ўтиши учун театримизнинг барча жамоаси сафарбар қилинди. Натижада Қорбобо ва Қорқизга чиройли, кўзни қувонтирадиган кийимлар тикилди. Хозир улар ҳар кун истироҳат боғларида, марказий майдонларда, спорт мажмуаларида Янги йил томошаларини намойиш қилишмоқда. Бундан ташқари Меҳрибонлик уйларида, болалар шифохоналарида, SOS болалар маҳалласи ва бошқа жойларда ҳам болажонларни хурсанд қилиш мақсадида хайрия томошалари ташкил қилинаётипти.

Театримизда Ганс Кристиан Андерсен эртаги асосида сахналаштирилган «Қор маликаси» спектакли янги йилнинг 12 январига ҳар кун ўзбек ва рус тилларида икки мартаба намойиш қилинади. Турли тартибда саргузаштларга бой бу спектаклни тайёрлашда режиссёримиз Александр Гамир, сахналаштирувчи расмол Евгений Бисеров, бастакор Баҳодир Зокиров, рақсларни, сахналаштирувчи хореограф, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Исхандороваларнинг хизмати катта бўлди. Томошадан олдин Қорбобо ва Қорқиз

— Ўзбекистон ёшлар театрида янги йилнинг 2 январидан бошлаб кўнра икки мартаба «Бўри тойчоқ» спектакли рус тилида болажонларга намойиш қилинади, — дейди муассаса директори ўринбосари Людмила Абрамова. — Бундан ташқари ўзбек тилида «Маликанинг маъшугага ҳадяси» номли спектакл намойиши ҳам режалаштирилган.

— Республика кўғирчоқ театри жамоаси ҳам ўқувчиларнинг қишки таътилини кўнглили ўтказишни режалаштирган, — дейди ижодий ишлаб чиқариш бўлими мудири, режиссёр Хотам Охунов. — 22 декабрдан бошлаб «Қорбобо арчаси» деб номланган театрлаштирилган томоша ҳар кун икки мартаба, бир кун рус, бир кун ўзбек тилида болажонларга намойиш қилинмоқда. Ҳар йилдагидан фарқли ўлароқ, бу йил болаларнинг ўзлари сахна иштирокчиларига айланадилар, улар Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда Дисней қахрамонлари бўлмиш Чип ва Дейл ҳамда эртақ қахрамонлари Кўён, Бўри, Тулки сингари турли персонажлар билан учрашадилар. Томоша охирида актрёлар шоуси ўтказилади, бунда персонажлар ва болалар биргаликда рақсга тушадилар.

Сўхбатдош:
Нурулло ОСТОНОВ



Байрам кунини автомобил-лингиз билан бирор жойга борсангиз, оилангиз даврасига беҳавотир этиб келишингиз кўп жиҳатдан йўл қондаларига риоя қилишингиз билан бирга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам боғлиқ. Шу боисдан биз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқар-

маси матбуот хизмати катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиев билан Янги йил оқшомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўхбатлашдик.

— Аввало шуни айтиш мумкинки, аҳоли-миз янги йил оқшомини кўнглидагидек ўтказишлари учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилган. Жумладан, Янги йил муносабати билан мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида ташкил этиладиган тадбирлар ва бошқа байрам тадбирларига тайёр-гарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг

Йўлингиз беҳатар бўлсин

олдини олиш ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида штаб ташкил этилди. Шунингдек, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар ҳамда уларнинг атрофида осойишталикни сақлаш, кўнглисиз воқеалар содир бўлишининг олдини олиш учун етарлича Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ва патруль автомобиллари ажратилган.

«Президент арчаси» ва Янги йил байрами тадбирлари ҳамда жойлардаги Арча байрамлари ўтказиладиган майдонлар, тадбир иштирокчиларининг ташири кутлаётган объектлар, уларнинг атроф ҳудудларида ҳамда бошқа дам олиш жойларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш

**АРЧА БАЙРАМЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИГАН
МАЙДОНЛАР, ТАДБИР
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ
ТАШИРИ КУТИЛАЁТГАН
ОБЪЕКТЛАР, УЛАРНИНГ
АТРОФ ҲУДУДЛАРИДА
ҲАМДА БОШҚА ДАМ ОЛИШ
ЖОЙЛАРИДА ҲАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ
Кўрилди.**

чоралари кўрилди. Қолаверса, байрам тадбири давомида республикамизда мавжуд бўлган барча йўл патруль хизмати масканларида иш кучайтирилган тартибда ташкил қилинган.

Бундан ташқари, байрам тадбирлари ўтказиладиган барча жойлар мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тўлиқ кўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни, янги йил кечасида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажараётган, байрам тадбирларини кўнглидагидек ўтишига, осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшаётган ички ишлар идоралари, жумладан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини, улар хизмат бурчини адо этишларига шароит яратиб берётган оила аъзоларини янги йил билан табриклаймиз.

«Ўзбекистон овози»
муҳбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

БАЙРАМНИ ИШ ЖОЙИДА КУТИБ ОЛИШАДИ

Янги йил ҳар жойда ҳар хил кутиб олинади. Юртимизда эса байрамлар оила даврасида нишонланади. Лекин шундай касб эгалари борки, хизмат тақозоси туфайли улар ўз иш жойларида бўлиши талаб этилади. Чегарачи Ватан сарҳадларида юрт осойишталигини қўриқлайди, учувчи самода, темирйўлчилар пўлат изларда йўловчиларни эсон-омон ўз манзилига етказиш тарафларида бўлади...

Яна шундай касб эгалари борки, биз шоду хуррам бўлиб, дастурхон атрофида Янги йилни кутаётганимизда улар беморлар дардига даво излаб, тунни ҳаловатсиз ўтказишади. Туғуруқхонада эса дунёга янги келган чақалоқлар кутиб олинади, оналар ҳаёти муҳофаза этилади.

Ўқтам Рустамов, Яққасарой тумани, 8-туғуруқ мажмуаси бўлими мудири:

— Янги йил албатта, бошқа байрамларга қараганда, ўзгача қайфият билан кутилади. Бир йил давомидаги ҳаётнинг бир неча сонияларда кино лентасидек кўз ўнгиндан ўтади. Лекин инсон учун бурч деган тушунча ҳам бор.

Баъзан иш билан бўлиб, янги йил кириб келганини ҳам сезмай қоламиз. Қилаётган ишингиздан кўнглингиз тўлса, ўзингиздан қониқиш ҳосил қилсангиз, унинг завқли ўзгача бўлади. Янги йил оқшомида эсон-омон, соғ-саломат дунёга келган чақалоқнинг чинқириги барча чарчоларни чиқариб юборади. Аслида қувончининг учун ана шу бир лаҳзанинг ўзи кифоя қилади. Ҳадемай янги кун бошланади, унча янги чақалоқлар туғилади. Уларнинг ота-оналари шоду-хуррам. Бизнинг янги йил қувончларимиз ана шу. Шундай дамларда халқ хизматида ўз бурчини ўтаётган барча касбдаги инсонларга «Янги

йўлингиз муборак бўлсин», дейман. Янги йил барчамиз учун бахтли йил, муваффақиятлар йили бўлишини тилаб қоламиз.

Комилжон Холиёров, ҳуқуқшунос, Қашқадарё вилояти:

— Байрамларни хизмат жойида кутиб олишга ўрганиб қолганмиз. Чунки осойишталикни муҳофаза қилиш, халқимиз байрамни дилхушлик билан ўтказиши учун хизмат қилиш кишига ҳам масъулия, ҳам завқ бағишлайди. Биз ўз хизмат жойимизда ҳушёр бўлсак, байрам ҳам кўнглидагидек ўтади.

Янги йилни ишхонада кутиб олишимдан сира офринмайман. Балки ич-ичимдан фахр ҳиссини туяман. Юртимизда янги йилни хизмат бурчини ўтаётган кутиб оладиган инсонлар кўп.

Мен барча юртдошларимни янги йил билан қутлайман, уларга тинчлик-омонлик тилайман.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Санъатимиз фидойилари

Инсонни руҳан ва маънан камол топишида санъат муҳим ўрин тутаети. Шу боис бу соҳада ёш истеъодларни тарбиялаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳар доим долзарб аҳамиятга эга бўлган. Республика «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери Дилдора Ноипова ана шу йўлда меҳнат қилаётган фидойи устозлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда у тарбиялаган шогирдлар нуфузли сахналарда ўз маҳоратларини намойиш этиб келишмоқда.

Дилдора Ноипова 2014 йилда Президентимиз фармонида кўра, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

РЕКЛАМА

«МАХСУСТРАНС»

ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси

юртдошларимизни янги —

2015 йил билан муборакбоғ этади.

Янги орзу-умидларга, қувончларга
пўла бу қушлуғ айём ҳар бир хонадонга
файзу барақа, фаровонлик,
бахт ва омад олиб келиши!



ДИҚҚАТ ЯНГИ РУКН: ОТАЛАР ГУРУНГИ

Бахтиёр набираларнинг бахтли бобоси



пиони бўлишига ишонаман.

Ота-боболаримиз орасида кучли хотирага эга бўлган кишилар ўтган. Биз машҳур бахши Эргаш Жуманбулбулнинг авлодимиз. Бобокалонимиз 50 дан ортиқ халқ достонларини ёддан билган. Набирам Жавахирда ҳам худди шундай хотира бор. У хали 3 ёшга тўлмасдан туриб, менга жуда кўп саволлар берар ва жавобини узоқ вақтга эслаб юрарди.

Комил Синдоров набирасининг хотира ҳақида сўзлар экан, бирики воқеани айтиб берди.

— Бир куни унинг хотирасини синаб кўриш учун «етти карра саккиз қанча бўлади» деб сўрадим.

У эллик олти, деди.

— Ўн бир карра ўн бир неча бўлади дейишим билан бир юзи йиғирма бир, деб жавоб берди.

Улар техника асрининг болалари. Жавахир тез орада компьютерга меҳр қўйди. У 4 ёшга етмай компьютердаги ҳар қандай мурраккаб ўйинларни ҳам бемалол ўйнай бошлади. Ислонбек ҳам унга эргашди.

Бир куни Жавахирга дўкондан шоҳмат олиб бердим. Синоҳларини тизиб, қандай юриш лозимлигини ўргатдим. Мен ҳам, ўғлим ҳам шоҳматни яхши ўйнаймиз. Шу сабаб икки болакай бу ўйинни тезда ўзлаштириб олишди. Аynиқса, Жавахирда қизиқиш тобора кучай-

ди. Ҳар гал ишдан қайтганимда у мени эшик олдида шоҳмат билан кутиб оларди. Унга кўп мартабалаб ютқизиб бердим. Бу менинг арзимас рағбатим эди. Уйга меҳмон келса, тамом, аввал невараларим билан шоҳмат ўйнаши керак эди. Ич-ичимдан севинар эдим. Жавахир билан кечган охириги ўйинларимиз менга қийинчилик турдирантандай эди. Унинг кутилмаган комбинациялари олдида ноқулай вазиятда қола бошладим. Кичик неварам Ислонбекка умуман шоҳматни ўргатганим йўқ. Унинг ўзи узоқ томошалардан ўзлаштириб олди.

Дастлаб Жавахирни Сирғали туманидаги шоҳмат мактабига олиб бордим. У ерда имконияти чеklangан ёшлар ўртасида шоҳмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов ушбу ўйин сирларини ўргата бошлади. Ислонбекни ҳам ўша мактабга бердим. Орадан олти ой ўтиб Жавахирни умуман мағлуб этолмай қолдим. Ушанди у беш ярим яшар эди.

2012 йилда Деҳлида бўлиб ўтган шоҳмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида Жавахир олтин медални қўлга киритди. Ислонбек эса кумуш медал билан қифолланди. 2013 йил Жавахир 7 ёшдан 10 ёшгача болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди ва жаҳон чемпионатида ўйланма олди. Кейинчалик Эроннинг Сари шаҳрида 6 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақада Ислонбек ўзини курсатди. У шоҳматнинг рапид, классик, блиц турлари бўйича 3 та олтин медалга сазовор бўлди. Жавахир эса 8 ёшгача болалар

гурӯҳида иштирок этиб, классикда туртинчи, блицда иккинчи ўринни эгаллади.

Жавахир ва Ислонбек яқинда Грецияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро миқёсдаги галабалари тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлади. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шоҳматчилар баҳсида иштирок этган Ислонбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида галаба қозонди, блиц турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавахир Синдоров тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам мағлубиятсиз дона суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очкодан жамғарди ва ў ҳам иккита олтин медални қўлга киритди. Ҳозир улар ҳар куни 4-5 соат давомидида устозларидан сабоқ олишади.

Чунки шоҳмат ақлий ўйин. Бир куни ўйлаб кўрсам, невараларим жисмоний тарбияга вақт ажратолмапти. Шунинг учун футбол ва югуришни кундалиқ машғулотларимиз рўйхатида киритдик. Ишонасизми, бугун улар билан тўйиб шашка, шоҳмат ўйнайман, боладек югураман ва ўз болалигимга қайтгандай бўламан. Қайсидир маънода мен уларнинг болалик даврларидан ҳам баҳра олишни истардим. Шукрки, улар ўз ҳаёт ва ютуқларидан мамнун.

«Ўзбекистон овози» мухбири **Бобур ЭЛМУРОДОВ** ёзиб олди.



ТОШКЕНТ. ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ!

Фоторуқ: АЙМЕВ онган суратлар.

Янги йилимиз

футбол галабаларига бой бўлади

Равшан ЭРМАТОВ, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ФИФА рефериси:

— Яқунланган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. 2014 йилнинг 12 июнь — 13 июль кунлари ҳамюртим, ФИФА лэйсмени Абдуҳамидулло Расулов билан футбол бўйича Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этдик. Биз бу йирик мусобақада ҳеч бўлмаса битта учрашувни бошқариб, ЎЗБЕКISTON номини жаҳон футбол тарихига ёздирсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз, деган ниятда йўл олгандик. Бахтни қарангки, жаҳон чемпионатида ФИФА бизга бир эмас, тўртта ўйинни ишониб топширди. Халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ишончини оқлаш масъулияти бизга қатта қўч-ғайрат бағишлади, учрашувларни хатосиз бошқаришга зришдик.

Жаҳон чемпионатидан сўнг, давлатимизнинг юксак мукофотларидан

бири — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Қолаверса, Филлипин пойтахти Манилага Осиё футбол конфедерацияси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган маросимда ўтган йил якуналари бўйича бешинчи мартабга кўчма мизнинг «Энг яхши ҳаками» номинациясида голиб, деб топилдим. Булар ҳаётимдаги унутилмас воқеалардир.

Янги йилдан умидларим қатта. Маълумки, 2015 йилнинг 9 — 30 январь кунлари Австралияда навбатдаги Осиё чемпиони бўлиб ўтади. Бу нуфузли мусобақада нафақат мен, балки Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам қатнашади. Фурбатдан фойдаланиб, аввало, мамлакатимиз футболчилар ва мухлисларга омад тилайман.

Ўз фаолиятим ҳақида айтадиган бўлсам, мусобақалар қандай нуфуз



Эркин ХОЛБОБО ёзиб олди.

ёки таснифда бўлишдан қатъи назар, ҳар бир учрашувни финалга тенг, деб ҳисоблайман. Ҳар бир ўйинни одилона ва юқори савидада бошқариш учун бор маҳоратимни ишга соламан.

Тилагим — Янги йилда ҳам мухлисларимиз қалбини миллионлар ўйини завқи асло тарқ этмасин! Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!



Санохат ХОЛМАТОВА, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 274-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси:

— Болажонлар байрамларни биз қатталардан кўра кўпроқ кутишади. Аynиқса, Янги йил байрамини. Ушбу тантана бизнинг боғчамизда ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Муассасамизда 177 нафар бола тарбияланади. Уларнинг кўзлари бир олам шодликка тўлди. Арча аτροφидида қувноқ шеърлар, қўшиқлар, рақслар авжига чиқди. Ўша куни катталар ҳам болалигига қайтди. Яйра, ўйна-қул, болажон! Шодликларинг, шўх-шодон кулгуларинг оламни тусин!

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

РЕКЛАМА

«Ўзбекистон темир йўллари»
Давлат акциядорлик компанияси жамоаси

юртдошларимизни, мамлакатимиз меҳмонларини ва фахрий темирйўлчиларни Янги йил айёми билан табриклайди.

2015

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурловимиз тўққиз бўлсин.

Янги йил барчамизга фақат яхшиликлар олиб келсин!



МУАССИС:

Бosh муҳаррир: **Сазфар ОСТОНОВ**



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
2015
naxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 19.30
Topshirilgan vaqti — 21.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 6